

## Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ражаб ойини кўрганда қилган амаллари



17:00 / 12 январь 4741

Ражаб ойи тўғрисида одамлар орасида турли нотўғри тушунчалар тарқалиб қолган. Унинг ҳақиқатини тушуниб олиш барча мусулмонлар учун лозимдир.

Бу ой ҳақида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ санад ила собит бўлган қуйидаги ҳадис мавжуд:

لَحَدِّدْ إِذَا مَسَّوْهُ فَجَلَّ لِي لَيْسَ بِي نَجَلٌ لَأَقُوهُ نَعْلُ لِي ضَرَّ كَلِّ أَمْرٌ بَسَنَ أَنْ عَنَّا  
"أَضْمَرْنَا نَعْلًا وَنَبَّغْنَا شَوْبًا وَبَجَّرْنَا فَنَلُّ كُرَابًا مُهْلَلًا" : لَأَقُوهُ بَجَّر

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ражаб ойи кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳумма баарик ланаа фий ражабин ва шаъбана, ва баллиғнаа Ромазона»**, дер эдилар».

*Байҳақий ривоят қилган.*

Таржимаси: «Аллоҳим! Ражаб ва шаъбон ойларида бизга барака бергин ва Рамазон ойига етказгин».

«Рамазон ойига етказгин», деб дуо қилиш Рамазон ойига муштоқ бўлишдир. Ушбу дуо Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан саҳиҳ санад билан собит бўлгандир. Шунинг учун ражаб ойи кирганда ушбу дуони қилиш суннат ҳисобланади. Ушбу дуонинг суннат эканини билмаганлиги учун Ражаб ойи кирганида уни ўқимаган киши ражаб ойининг қайси куни

бу амал суннат эканини эшитса, ўша куни ўқиса бўлаверади. Бундан бошқа халқ орасида ражаб ойида қилиш керак, деб тарқалган амалларнинг барчасининг асли йўқдир.

***Абдуманнон Қосимий***